

Мақола 2017 йил 4 декабрда қабул қилинди,
2018 йил 29 январда эълон қилинди.

Тошкент давлат юридик университети
"Бизнес ҳуқуқи" кафедраси профессори,
юридик фанлари доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-1-7>

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада илк маротаба қишлоқ хўжалик субъектларининг фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, муаммолари ва замонавий ривожлантириш тенденциялари тадқиқ этилган. Маълумки, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш шароитида кўп тармоқли фермер хўжаликлари фуқаролик ҳуқуқи субъектчилиги, қишлоқ хўжалик кластерлари, давлат хусусий шериклик масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, унда қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг омиллари ва хусусиятлари, қонунчилик манбалари, аграр тармоқдаги янги тузилмалар ҳуқуқий мақомининг айрим жиҳатлари ёритилган. Мақолада алоҳида эътибор соҳага оид қонун ҳужжатларидаги янгилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига қаратилган. Ҳар томонлама чуқур илмий таҳлил асосида ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиб, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик эркинлиги, қишлоқ хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, давлат ва хусусий шериклик, қишлоқ хўжалик кластерлари, аграр соҳада инновация фаолияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти.

Аннотация: В этой статье впервые рассматриваются проблемы и современные тенденции развития гражданско-правового регулирования деятельности предпринимательских субъектов сельского хозяйства. Следовательно, в условиях модернизации сельского хозяйства, изучение вопросов гражданской правосубъектности многопрофильных фермерских хозяйств, сельскохозяйственных кластеров, государственного и частного партнерства в данной сфере приобретает важные значения. В связи с этим, в ней анализируются факторы и особенности гражданско-правового регулирования предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве, законодательные источники, некоторые аспекты правового положения новоформирований в аграрном секторе. В ней особое внимание уделено новшествам законодательства и проблемам правоприменительной практике. В этой сфере на основе глубокого научного анализа и с учетом опыта зарубежных стран, были разработаны аргументированные выводы, а также предложения и рекомендации по совершенствованию деятельности предпринимательских субъектов в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: гражданско-правовое регулирование, предпринимательская деятельность, сельское хозяйство, многопрофильные фермерские хозяйства, государственное и частное партнерство, сельскохозяйственные кластеры, инновации в аграрной сфере, правоприменительная практика.

Annotation: For the first time in this article, civil legal regulation, problems and trends of modern development of agricultural subjects have been studied. As it is well known, in the context of agricultural modernization, multifarious farming plays an important role in studying the nature of civil rights, agricultural clusters, and public-private partnerships. At the same time, it outlines aspects and factors of civil legal regulation of agricultural business, legislative sources, and some aspects of the legal status of new agrarian sector. The article focuses specifically on news and law enforcement practices in the field of law. Based on comprehensive scientific analysis and best practices of foreign countries, proposals and recommendations on improving the activities of subjects of entrepreneurship in agriculture have been developed.

Keywords: civil-law regulation, freedom of entrepreneurship, agriculture, multifarious farming, public-private partnerships, agricultural clusters, innovation activities in the agrarian sphere, law enforcement practice.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу конституциявий қонданинг изчил амалга оширилиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган барча ишларимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Биз иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, тадбиркорларга

кенг йўл очиб бериш сиёсатини бундан кейин ҳам қатъий давом эттирамиз. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида пайдо бўладиган тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш масаласи давлат раҳбари сифатида менинг доимий эътиборим ва назоратимда бўлади. Яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатида хиёнат, деб қабул қилиш керак [2].

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт

мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта ҳушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур.

Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"[4]нинг III Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари 3.3 Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга оид бўлиб юридик фанлар хусусан, фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқий фанлар олдига ғоятда муҳим вазифаларни қўяди. Энг муҳими, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича шартномавий муносабатлар, агрокимё хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини

ошириш, гидротехник иншоатларнинг мулкӣ комплекс сифатида ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотлари фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, аҳоли таморқалари, деҳқон хўжаликлари, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликлари, ҳўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган товар омборларининг ҳуқуқий режимини белгилаш кўзда тутилган. Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти учун маъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, уларни давлат томонидан, шу жумладан, имтиёзли кредитлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларининг ҳуқуқий мақомини ўрганиш, қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, ҳақ эвазига ветеринария хизматини кўрсатиш, паррандачилик соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, селекция ютуқларини фуқаролик ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни илмий тадқиқ этиш зарур.

Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқий нормалари билан бир қаторда халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро одат нормалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигида товарларни халқаро олди-сотдиси, халқаро тижорат

шартномаси, консигнация, экология шартномаси кабилардан кенг фойдаланиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ёритишда цивилист олимларнинг фундаментал тадқиқотлари муҳим ўрин тутди. Хусусан, Х.А.Рахмонқулов, З.С.Беляева, С.В.Бычкова, Н.Н.Веденин, М.И.Козыр, С.М.Лурье, В.И.Семчик, В.А.Семеусов, Ф.М.Раянов, А.И.Бобулов, Г.В.Чубуков, С.А. Боголюбов, Г.Е.Быстров, В.В.Демьяненко, Р.А. Хананов ва бошқа олимларнинг ишлари ғоятда муҳим аҳамиятга эга.

Кўплаб ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, аксарият ишлар қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг замонавий тенденциялари ва соҳага оид миллий қонун ҳужжатлари диалектикаси талабларига мос келмайди. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятининг янги қонунчилик асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бугунги кунги ривожланиши акс этмаган. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назада тутилган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари цивилистик фан нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомидаги ўзгаришлар ва уларнинг фуқаролик муомаласида иштирокининг яхлит бир бутун масалаларини тизимли тадқиқ этишга объектив эҳтиёж вужудга келмоқда.

Айниқса кўп тармоқли фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик

кластерлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш доирасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари, логистик марказларининг ҳуқуқий асослари, экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва бу борада хорижий контрагентлар билан узоқ муддатли шартномавий алоқадорлигини ҳуқуқий таъминлаш масалалари ихтисослик йўналиши бўйича илмий қизиқиш доирасидан четда қолган масала бўлиб ҳисобланади. Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари тарқоқ бўлиб етарли даражада тизимлашув мазмунига эга эмас. Айниқса, ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибаси ва амалдаги қишлоқ хўжалик қонун ҳужжатлари нормаларини амалиётда қўллаш мониторинги даражаси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати ва даражаси модернизациялаш жараёнларидан ортда қолмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик фаолиятини комплекс ҳуқуқий тартибга солишга эришилмасдан таркибий, шартномавий, давлат-хусусий бизнес шерикликни агроинновацион фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш, қолаверса улар иштирокида фуқаролик муомаласининг барқарорлигини амалда рўёбга чиқариш мураккаб масаладир.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш даражаси соҳани модернизация қилишнинг тенденцияларига жавоб бермайди. Шу аснода қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш афзалликларидан фойдаланиш даражаси ва унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштиришга муҳтож. Уларнинг

фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида ваколатлари, тузилиши, уларни ҳуқуқий субъект-лиги бўйича туркумлаш, алоҳида турдаги қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари, агросаноат кооперацияси, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳуқуқ лаёқати, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари, агрофирмалар, кичик тадбиркорлик корхоналари, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, қишлоқ хўжалик кластерлари, қишлоқ хўжалик инновацион тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалигида шартномавий алоқадорликни ривожланиш тенденциялари, моддий-техник таъминоти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, ижара, лизинг, қурилиш пудрати, ташқи иқтисодий битимлар, консигнация, инвестиция шериклиги, давлат ва хусусий бизнес шериклиги, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, маҳсулот тақсимотига оид битимлар, инвестиция шартномаси, хизмат кўрсатиш шартномалари, вакиллик шартнома-лари, кредит, суғурта, гаров, товар омбори шартномаси, логистика хизмат кўрсатиш ва бошқаларни тизимли ўрганиш соҳани илмий-ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилади.

Қайд этилган илмий муаммоларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методидан келиб чиқиб унинг ҳуқуқий режимини комплекс тарзда ўрганиш нафақат алоҳида, балки қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ қатор илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналиши сифатида қаралмоғи лозим. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий режими умумҳуқуқий

конструкция [5] билан бир қаторда, соҳага хос бўлган рағбатлантирувчи ҳуқуқий тартибга солиш усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади [6].

Мавзунинг долзарблигини бир қатор омилларга кўра тавсифлаш мумкин: биринчидан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари фаолиятини тартибга солиш самарадорлигига эришиш; иккинчидан, халқаро ва хорижий тажрибани инобатга олиб соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш; учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишни оқилона ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш; тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, сотиш мақсадида логистика фаолиятини ҳуқуқий асосларини яратиш билан узвий боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим. Булар жумласига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ерга асосланганлиги, мавсумийлиги, кенг ҳудудда турли хил шароитда амалга оширилиши, иш даври билан ишлаб чиқариш вақтининг номуносивлиги, табиий об-ҳаво шароитига ва бошқа объектив табиат омилларига ўзаро боғлиқ бўлиши киради. Биринчи гуруҳдаги хусусиятлар объектив характерда бўлиб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга хосдир. Иккинчи гуруҳдаги хусусиятлар эса субъектив характерга эга бўлиб замонавий шароитларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини ташкил қилишда намоён бўлади [7].

Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик фаолиятининг хусусияти унинг ҳар бир

элементи субъект таркиби, объекти ва соҳанинг бизнес фаолияти мазмунида намоён бўлади. Сирасини айтганда соҳада ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий тартибга солиш воситаларидан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари элементлари ўз ичига юридик норма ва қоида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, расмий шарҳлаш ҳужжатлари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни амалга оширувчи ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ва ҳуқуқий онг ва маданиятни қамраб олади.

Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик муносабатлари таркибида товар ишлаб чиқарувчилар асосий ўрин тутлади. Бундай бир ёқлама ёндашув субъект таркибининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу боис бугунги кунда субъект таркиби нафақат товар ишлаб чиқарувчилар балки соҳага хизмат қилувчи ва тайёр маҳсулотни реализация қилувчи барча тадбиркорлик субъектларини ҳам қамраб олади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти объектига фуқаролик ҳуқуқининг барча объектлари киради. Бироқ айрим объектлар махсус ҳуқуқий режимга эга. Энг аввало, у ер участкаси бўлиб қишлоқ хўжалик муомаласидаги ерлар давлатнинг махсус назорати ва муҳофазасидадир. Шунингдек, қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар, агрокимёвий маҳсулотлар, экин анжом ва материалларининг ҳуқуқий режими ҳам алоҳида хусусиятга эга. Бундан ташқари, тегишли қишлоқ хўжалик объектларига нисбатан техник тартибга солиш (техник регламентлар) қўлланилади. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик фаолиятини шартномавий муносабатларда улар янада яққол намоён бўлади.

Зотан, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини

ҳуқуқий тартибга солишда унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш қишлоқ хўжалик тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари тушунчаси, субъектлари, объектлари, мазмуни, улар иштирокидаги замонавий бозор иқтисодиётига хос шартномавий алоқадорликнинг ҳуқуқий табиати, амалдаги норматив-ҳуқуқий массивнинг ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, янги ва истиқболли соҳа бўлмиш қишлоқ хўжалик тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг назарий-методологик асосларини замонавий шароитларда янада ривожлантириш нафақат объектив зарурият, балки давлат тараққиётининг ҳал қилувчи ғоятда муҳим бўлган шартидир. Қишлоқ хўжалиги жамият ҳаёти ва фаолиятининг асосий ўзаги бўлганлиги боис, соҳани - илмий ҳуқуқий таъминлаш давлатнинг инсон манфаатларини кўзлаб амалга ошираётган ислохотларни рўёбга чиқаришга қаратилган биринчи навбатдаги долзарб ва айни пайтда устувор вазифасидир. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид ҳуқуқий институтларни модернизация қилмасдан ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлигига эришиб бўлмайди [8].

Ҳуқуқий адабиётларда тадбиркорлик муносабатларини тартибга солиш тенденциялари ва такомиллаштириш йўллари асосий муҳокама предмети сифатида қаралаётганлигидан далолат беради [9]. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик тадбиркорлик соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий омилларни уйғунлаштирмасдан кутилган натижага эришиш мушкул [10].

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда фуқаролик-

ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг тенглиги, ҳар бир қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчининг аниқ мақсади, хусусий ижтимоий (социал) оммавий манфаати, ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлиги, таваккалчиликнинг мақбул ва мутаносиб тақсимлашнинг оқилона меъзонини белгилаши инobatга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишлиги, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган [11].

Иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, фақат эркин тадбиркорлик фаолияти фаровон ҳаётни таъминлаш имкониятини яратади. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, хусусий корхоналар, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, ижара, кооперация, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, рақобат, инвестиция фаолияти, чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари, банкротлик, гаров, суғурта фаолияти, аудиторлик фаолияти, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги ва бошқа қонун ости ҳужжатлар ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий

тартибга солишда фоятда муҳим қонунчилик манбаси бўлиб хизмат қилади!

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги "2017 - 2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги [12] қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги "Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [13] қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [14] фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирларидаги тўғрисида"ги [15] фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикада асаричилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [16] қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 октябрдаги

"2017-2018 йиллар қиш-баҳор фаслида республика аҳолисини ва ижтимоий соҳа муассасаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан кафолатли таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги [17] қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 мартдаги "Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, сувга чидамли, экспортбоп дарахт плантацияларини ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида" [18] ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 апрелдаги Хоразм вилоятида паррандачиликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида [19], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги "Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2016 йил 15 июндаги 206-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида [20], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июндаги "Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги [21] қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 28 мартдаги "Қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотларни ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги [22] қарори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 5 апрелдаги

"Давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг харажатларини бўнаклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги [23] қарори шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларни ҳал қилишда Олий суд Пленуми қарорлари муҳим аҳамиятга эга [24].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос равишда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлар соҳани ҳуқуқий таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга чиқариш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"[25]ги Фармонида кўра, мамлакатимиз инновацион ривожланишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тағиб қилиш ҳисобланади.

Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасидаги асосий йўналишлари қаторига биринчидан, энг аввало

мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи "Ақлли қишлоқ хўжалиги" концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг замонавий синалган шалларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш; иккинчидан, агар секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашаш; учинчидан, қишлоқ хўжалиги махсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан, йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашиш кабилар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Пахтачилик тармоғини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" [26] ги Қарори пахтачилик тармоғи корхоналарини бошқариш тизимини, шу жумладан, фаолият юритаётган ташкилотлар тузилмасини оптималлаштириш орқали такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида соғлом рақобатни ҳамда уларнинг самарали фаолият учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарорда "Ўзпахтасаноат" АЖнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида инновацияни ривожлантириш мақсадида хом ашёни қайта ишлашга берувчи сифатида пахта тозалаш

корхоналарига улар томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари тизимида фаолиятни амалга оширишда қўмаклашиш; илмий техник ва тажриба экспериментал тадқиқотларни ривожлантириш, пахтачилик тармоғига инновацион ғоя ва ишланма ва технологияларни жорий этиш тармоқда иқтисодий ислохотларни илмий таъминлашни юқори босқичга кўтаради.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, гарчи қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик эркинлиги ва хусусий мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш тизими яратилган бўлсада, ҳали бу соҳада ўзининг ечимини топмаган бир қатор муаммолар ва қонунчиликда қатор бўшлиқлар бор десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Бинобарин, тармоқда рўй бераётган миқдор ва сифат ўзгаришлар билан қонунчиликни ривожланиш ҳолати мутаносиб эмас. Бу бир томондан қишлоқ хўжалигини илмий таъминлашга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса аграр иқтисодиёт ривожланиш қонуниятларини инобатга олмаслик, тактик ва стратегик характердаги таркибий ўзгаришлардан кўзда тутилган пировард натижага эришилмаслик билан чамбарчас боғлиқдир. Агар ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб ёндашсак, амалдаги фуқаролик қонунчилигида қишлоқ хўжалик тадбиркорлиги ривожлантириш билан боғлиқ "ҳуқуқий бўшлиқлар" мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик муносабатларини яхлит ва тизимли илмий таъминламасдан туриб оқилона ҳуқуқий тартибга солишга эришиб бўлмайди. Аграр қонунчиликнинг тизимли мониторингини юритиш имкониятидан етарли ва самарали фойдаланилмаяпти. Қолаверса, минтақа ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга

олмасдан ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигига эришиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг барқарорлигини таъминлаш учун фақат устувор ҳуқуқий асоснинг ўзи етарли бўлмай балки уни амалиётда қўллашда вужудга келадиган муаммоларни мониторинг қилиш ва социологик тадқиқотлар натижалари ҳамда илмий билишнинг самарали усулларини тадбиқ этишни ҳам тақозо этади.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликда кўп тармоқли фермер хўжаликларига таъриф берилмаган, улар ҳуқуқий мақоми хусусиятлари, уларни ташкил этиш тартиби ва асослари, соҳага хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантирувчи ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмоқда. Бу эса бу борада хорижий давлатларнинг илғор қонунчилик тажрибасини ўрганишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисга мурожаатномасида қайд этганидек, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикадаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид алоҳида фармон қабул қилинди. Бугунги кунгача ўзимизнинг тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат

"Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда [27].

Қишлоқ хўжалигида кластерларни ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш истиқболли илмий тадқиқот йўналишлардан бўлиб ҳисобланади [28]. "Кластер" (инг. "cluster" кучларни тўплаш; тўплам, марказлаштириш, гуруҳлаш) маъноларини англатади. Иқтисодий адабиётларда "кластер" усулига бир қатор фикрлар мавжуд бўлиб, улардан М. Портер фикрича кластер ўз ичига ишлаб чиқариш жараёнини олишлиги билан унинг қиймати белгиланади. Бу янги шароитдаги фабрика бўлиб, илмий ишланмалар амалий жиҳатдан бир вақтнинг ўзида маҳсулотга айланади. кластерлар бир ҳудудда бир соҳадаги ишлаб чиқарувчи товар бутлиги алоқадор етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи ва тадқиқот институтларини марказлаштиради [29]. Шунингдек, О.В. Ибраеванинг нуқтаи-назарига кўра, кластер ишлаб чиқарувчи ва илмий ҳамжамият ўзаро муносабатларини айнанлаштиради ва фаоллаштиради [30]. Минтақада инновацион кластернинг мавжудлиги корхона, университет, илмий-тадқиқот институтларининг турли лойиҳаларида иштирок этиш

имкониятини яратади. Бизнинг фикримизча, кластер кенг маънода инновацион тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш яхлит жараёнини ўз ичиига қамраб оладиган пировард мақсад ва натижага йўналтирилган инновацион фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик кластери - фуқаролик-ҳуқуқий мақомига кўра, тижоратчи ташкилот бўлиб, ишлаб чиқаришни муайян ҳудудда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни тегишли ҳуқуқий шаклдаги ташқи иқтисодий битимлар асосида реализация қилиш мақсадида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Хорижий давлатларда хўжалик шериклиги ва инвестиция ширкати ҳуқуқий асослари ҳам яратилган [31]. Яна бир муҳим масала қишлоқ хўжалигида бизнес ва таълимнинг кооперациясини ҳуқуқий таъминланмасдан кутилган натижага эришиб бўлмайди [32]. Адабиётларда қишлоқ хўжалигида давлат-хусусий шериклик масаласига алоҳида эътибор берилмоқда [33]. Қишлоқ хўжалигида давлат ва хусусий шериклик ғоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб давлат ва тадбиркор учун бир хил фойдали ва манфаатлидир. Ҳозирги пайтда энг муҳим масала рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан давлат ҳам бевосита манфаатдордир. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз қишлоқ хўжалик бизнес субъектларининг ички ва ташқи бозорда иштирокини янада кенгайтириш талаб этилмоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш

ва уни реализация қилиш бўйича юклаб жўнатиш бўйича махсус ҳуқуқий тартиб бўлишни тақозо этади. Шу мақсадда замонавий омборлар, маҳсулотни сақлаш жойлари барпо этиш қолаверса, қишлоқдаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш зарур. Бунда давлат ва хусусий бизнес шериклиги энг мақбул ҳаракат модели бўлади десак, муболага бўлмайди. Давлат-хусусий шериклиги давлат ва хусусий бизнеснинг рақобатбардош қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳудудида барқарор ривожлантиришни таъминлашни ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соҳани комплекс модернизация қилишга қаратилган биргаликдаги фаолиятдир. Қишлоқ хўжалигида давлат ва хусусий шериклик фан, таълим, бошқарувни ўзида мужассамлаштириб, техник, технологик, ташкилий йўналишлар бўйича барча ер, меҳнат, молиявий ахборот-инновация ресурсларидан фойдаланиш имконини беради.

Аграр кластер иқтисодиётни инновацион ривожлантириш унинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Иқтисодиётда кластер ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик фаолияти (АҚШ, Германия, Австрия, Финландия, Швеция, Буюк Британия, Швейцария, Нидерландияда) инновацияни ривожлантириш мақсадида турли хил давлат моделлари қўлланилмоқда. Аграр кластер - аграр соҳада инновацион фаолиятни фаоллаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналарни бирлаштиришни назарда тутди [34].

Кластерлаштириш замонавий иқтисодиётга янгича ёндашув бўлиб

"кластер" ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик миллий ҳуқуқий тизим учун янгилик бўлиб ҳисобланади. Кластер типигаги юридик шахс нафақат мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари, балки чет эл корхоналари билан биргаликда тузиш мумкин. Кластер типигаги тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ягона технологик циклдаги корхоналарни бирлаштириб, унда фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўзаро уйғунлашади. Хом-ашё, қайта тайёрлашнинг барча босқичларидан ўтиб экспортга мўлжалланган юқори сифатли якуний маҳсулотга айланади [35].

Кластер шаклидаги юридик шахс тури Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига назарда тутилмаган. Шу боис, ишлаб чиқариш кластерини тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва тижоратчи ташкилот сифатида ҳуқуқий мақомини белгилаш қонун ижодкорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кези келганда шуни айтиш жоизки, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини кластерлаштиришни ривожлантириш инновацион иқтисодиётни барпо этишининг ҳал қилувчи ва муҳим шартидир.

Қишлоқ хўжалигида кластерни ташкил этиш бўйича дастлабки тажрибалар шаклланди. Мирзаобод туманида пахта-ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сотишни ўз ичига олган "Кластер" усули жорий этилмоқда. Бунинг учун 25 минг гектар экин майдони ажратиб берилди. "Кластер" таркибида пахтани қайта ишлаш, йигириш, тўқиш, бўяш ва тикишни ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этилди. Мирзаободда етиштириладиган барча қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари шу ернинг ўзида қайта ишланади, совутгичларга қўйилади ва харидорига етказиб берилади. Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалигининг пахта ҳосилдорлиги 50 гектар, ғаллачиликда эса ундан юқорини ташкил этади. Хўжаликда насли қорамолчилик йўлга қўйилган. Кунига 20 тонна сутни қайта ишлайдиган, хорижий технологияга асосланган корхоналар бор. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, хўжаликда рақамли, бошқариладиган тракторлар бўлиб унинг фойда келтириш кўрсаткичи оддий тракторларга нисбатан анча яхши. Ҳозирда "Кластер" таркибида уруғчиликни ташкил этиш, 15 минг гектар майдонда ғўза парвариш қилиш режалаштирилган. "Оқ сув" фермер хўжалиги сифими

2 минг тонна бўлган мева-сабзавотни музлатиб, савдога чиқарадиган совутгич қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. 2018 йилдан бошлаб ушбу совутгич фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда шахсий томорқа эгалари томонидан етиштирилган мева-сабзавотларини қабул қилиш ва савдога чиқаришни бошлайди [36].

Глобаллашув шароитида қишлоқ хўжалик тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишда стандарт ёндашувлардан воз кечиш, "геоиктисодий" ва "геоҳуқуқий" тафаккур асосида тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб тадбиркорлик муомаласида улар фаоллиги ва манфаатдорлигини ошириш лозим [37]. Энг муҳими, аграр тармоқда хусусий ва оммавий манфаатларни мутаносиб мувозанатини сақлаш, фуқаролик муомаласи барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳар қандай муайян давлат ва жамиятни муҳим вазифаси ишончсизликнинг уч тамал тошига барҳам беришдир: давлат -

жамият ва бизнесга, бизнесни - давлат ва жамиятга, жамиятни - давлат ва бизнесга. Бир қарашдан фуқаролик жамиятининг ривожланиши мутлақо оммавий ҳокимиятни хусусий манфаатлар доирасида хусусий ҳуқуқ соҳасига оммавий ҳуқуқ нормаларини тадбиқ этмасдан эришиб бўлмайди [38]. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқий сиёсати кенг маънода хусусий ҳуқуқ соҳасида хусусан, фуқаролик ҳуқуқий сиёсатнинг ажралмас атрибутидир [39]. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик сиёсати масаласини қўйиш мамлакатни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган қишлоқ хўжалигини модерниция қилиш ва жадал ривожлантириш борасидаги вазифаларни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir. Қишлоқ хўжалигида фуқаролик муомаласининг барқарорлиги таъминланмасдан тармоқни модернизация қилишнинг кўзланган мақсадга эришиш мутлақо мумкин эмас.

Ҳуқуқий адабиётларда қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш устувор тадқиқот йўналиши бўлиб ҳисобланиши тан олинган [40]. Ҳуқуқий норма замонавий шароитларда иқтисодиётни ривожлантиришнинг объектив қонуниятларига мос бўлиб ва уни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилиши лозим. Иқтисодиёт ва ҳуқуқий нормалар ўртасидаги номутаносиблик давлат ва жамият тараққиётига ёрдам бермайди. Қишлоқ хўжалигида давлат ва хусусий бизнес шериклиги нафақат эркин иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи ва тезлаштирувчи вазифани бажаради, хусусий бизнес субъекти билан тенг ҳуқуқда иштирок этади, унга нисбатан ҳокимият ваколатини амалга оширмайди [41]. А.Белицкаянинг фикрича, давлат-хусусий шерикликни

кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода иқтисодда ҳокимият ва бизнес, сиёсат, маданият, фан, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳаракати тушунилади [42]. Давлат-хусусий шерикликка бундай ёндашув хусусан Н.А.Игнатюк томонидан ишлаб чиқилган [43]. Тор маънода давлат-хусусий шериклик иқтисодий категория сифатида қаралади, давлат-ҳуқуқий шериклик турли ҳуқуқий шаклда намоён бўлади [44].

Глобаллашув жараёнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотишда халқаро савдо ташкилотининг норма ва принциплар асосида миллий қонунчиликни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олишни ҳам тақозо этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан ҳарид қилиш тўғрисидаги, қишлоқ хўжалиги ва яйлов ерлари тўғрисидаги махсус қонунларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда имтиёзли кредит шу жумладан, бўлажак ҳосилни гаровга қўйиш, зотдор моллар қишлоқ хўжалиги техника ва аслаҳалари, агросуғурта билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, озиқ-овқат заҳираларининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни рағбатлантириш, экспорт қилишнинг ахборот тизими, ахборот-маркетинг марказлари шаҳобчалари, экспорт контрактларини суғурталаш, қишлоқ хўжалигига инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида давлатлараро инновацион кооперацион алоқаларни ривожлантириш ўз истиқболига эга [45]. Шу боис қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришга оид қонун ҳужжатларни мониторинг қилиш ва хорижий давлатларнинг илғор ва

мақбул тажрибасини инобатга олиб уни такомиллаштиришга эришиш айна муддаодир.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларнинг аксарияти ердан фойдаланиш ва шартномавий муносабатлардан хусусан, контрактация шартномасини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганликдан келиб чиқмоқда. Ачинарли томони шундаки, кўрилган ишлар бўйича улар жавобгар сифатида қатнашаётганлиги, соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тегишли даражада йўлга қўйилмаганлиги, улар раҳбар ва ходимларнинг ҳуқуқий маданияти талаб даражасида эмаслигидан, энг муҳими аграр тармоқда юридик хизмат кўрсатиш қониқарсиз аҳволда эканлигидан далолат беради. Гарчи судлар томонидан бундай субъектларга нисбатан тегишли таъсир чоралари қўлланилаётган бўлсада, у ўзининг етарли самарасини бермаяпти. Аграр тармоқда ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг даражаси бугунги кун талабига жавоб бермаётганлиги, соҳада таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ва соҳани модернизация қилиш ҳамда жадал ривожлантиришга қаратилган стратегик вазифаларни тўлақонли рўёбга чиқаришга ёрдам бермаяпти. Айниқса, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини давлат-хусусий шериклик агрокластер тизимини шакллантириш энг муҳими, соҳада инновацион фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш моҳиятини чуқур ва пухта билган ҳамда бу борада илғор ва хорижий тажрибани қўллашга қодир фермер ва юридик хизмат кўрсатувчи мутахассислар корпусини тайёрлашга эришиш лозим. Бундай чораларни кўрмасдан қишлоқ хўжалигида

инновацион тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишга эришиб бўлмаслиги айна ҳақиқатдир. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини инновацион инфра-тузилмасини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш кўплаб мавжуд муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги бир қатор назарий методологик, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ хулоса таклиф ва тавсияларни билдириш мумкин:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш деганда фуқаролик муомаласида фойда олиш мақсадида ўз номидан таваккалчилик асосида мустақил равишда ички бозорга ва экспортга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқариш мақсадини кўзлаб амалга ошириладиган тижорат фаолияти тушунилади;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолияти комплекс ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади. Шу боис соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилиш, сервис ва логистика хизматини кўрсатиш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим;

Учинчидан, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш соҳани модернизация қилиш жараёнларидан ортда қолмоқда. Айниқса, узоқ йиллар мобайнида қўлланилган фақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ бир ёқлама ёндашув ўзининг ижобий натижасини бермайди. Шу аснода

замонавий шароитлардан келиб чиқиб ҳуқуқий тартибга солиш усул ва воситаларини бутун яҳлит жараёни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, шу жумладан экспорт қилиш, сервис логистика хизматини кўрсатиш, истеъмолчига етказишнинг тўлиқ шартномавий алоқадорликни қамраб олиши лозим. Қайд этилган маънода, соҳани ҳуқуқий тартибга солишга комплекс ҳолда ёндашув бўлмоғи лозим. Бу борадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси фикримизнинг ёрқин исботидир;

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигида инновация фаолияти мураккаб ва тадрижий жараёндир. У ўз ичига янги ғояларни шакллантириш ва билимларни олиш; илмий ишланмаларни технологияларни ўзлаштириш; илғор технология, техника ва аслаҳалар кўринишидаги янгиликларни тадбиқ этиш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни оқилона ташкил этиш, фан ютуқларини инобатга олиб янги ғоя ва билимларни тарқатиш, ушбу жараёнда фаол иштирок этадиган юксак малакали инновацион бошқарувга қодир мутахассислар корпусини тайёрлашни қамраб олади. Дарҳақиқат, инновация янгиликни жорий этиш бўлиб, у тўрт турдаги самарани бериши лозим: иқтисодий, илмий техник, ижтимоий ва экологик. Қишлоқ хўжалигида инновацион янгиликларни жорий этилиши ва унинг самарадорлигига эришилиши соҳада модернизациялаш ва жадал ривожлантириш бўйича белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Шу боис қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тенденциясига баҳо беришда соҳадаги инновацион жараёнларни ҳуқуқий таъминлаш

самарадорлигига эришишга устувор аҳамият бериш зарур. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш соҳани модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги базавий махсус қонунни қабул қилиш қишлоқ хўжалигида ислохотларни ҳуқуқий таъминлашга ва соҳани давлат томонидан инновацион тартибга солишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари тизимлашув мазмунига эга эмас, шу сабабли соҳага оид қонун ҳужжатлари мониторинги натижаларига асосланиб унификация қилишнинг энг мақбул усулларида оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда;

Олтинчидан, амалдаги қишлоқ хўжалигига оид қонунларни соҳага оид қабул қилинган янги қонуности ҳужжатлари ва уларни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, ижара, кооперация, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ташқи иқтисодий фаолият каби қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, фермерлар кооперацияси, давлат хариди, давлат ва хусусий бизнес шериклиги, хўжалик шериклиги, инвестиция ширкати, қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатиш, хусусан, сервис, логистик хизмат кўрсатиш шартномавий алоқадорликнинг янги шакллари жорий этиш,

қишлоқ хўжалиги кластерлари, қишлоқ хўжалик инновацион кичик тадбиркорлик субъектлари, қишлоқни ижтимоий ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида инвестициявий жозибадорлик, шахсий томорқа хўжаликлари, яйлов ерлари, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мелиоратив хизмат кўрсатиш, гидротехник иншоотларнинг ҳуқуқий режими, қишлоқ хўжалик қурилишига ихтисослашган пудратчи ташкилотлар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, қишлоқ хўжалигида товар омборлари ҳуқуқий режимини, қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш, қишлоқ хўжалигида хисобкитоблар, ҳақ эвазига ветеринария ва селекция хизматини кўрсатиш фаолиятини рағбатлантирувчи ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш талаб этилмоқда;

Еттинчидан, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларни ҳал қилиш тажрибасидан келиб чиқиб Олий хўжалик судининг қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликка оид Пленум қарорларини суд тизимида рўй берган ўзгаришлар, моддий ва янги қабул қилиниши кўзда тутилган "Иқтисодий процессуал кодекси" талаблари асосида қайта кўриб чиқиш объектив заруратдир. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб фуқролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш бўйича хусусий ҳуқуқий соҳасидаги процессуал қонунчилиқни бирлаштириш масаласини муҳокама этиш ҳам долзарб масаладир. Бизнинг илмий башорат*ларимиз ва асослантилган хулосамизга кўра, моддий ва процессуал нормаларни тизимлаштириш

тўғрисидаги концепцияни ишлаб чиқиб қонун ижодкорлик фаолиятида жорий этишга эришиш зарур;

Саккизинчидан, боғдорчилик бизнеси, агроэкотуризм (агротуризм) соҳасида хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш ва уни социал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, демографик сиёсатни амалга ошириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги тадбиркорларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш талаб этилмоқда;

Тўққизинчидан, қишлоқ хўжалигида ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оддий ширкат, чорвачилик учун ем ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шартномаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва товарни реализация қилишга оид шартнома, моддий-техника шартномалари, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларига агрокимё хизматини кўрсатиш шартномаси, мелиоратив ишларни бажариш шартномаси, техник тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш шартномаси, бошқа пудрат ишларини бажариш шартномаси, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларига илмий инновацион хизмат кўрсатиш шартномаси, турли хил хизмат кўрсатиш, олди-сотди, кредит, суғурта, лицензия, тижорат концессияси технология трансфери шартномаси, экология шартномаси хизмат роли ва таъсирчанлигини янада кучайтириш ҳамда уни ижросини таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш керак.

Ўнинчидан, ҳозирги пайтда илғор хорижий давлатлар қонунчилиқ

тажрибасини ўрганиб, "Кластер инновацион фаолият тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш эҳтиёжи вужудга келмоқда. Инновацион иқтисодиётни ҳуқуқий таъминлашда кластер ҳуқуқий мақомини белгилаш ва унинг фаолиятини амалга оширишни қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш зарур. Мазкур қонунда кластернинг муайян ҳудуддаги махсус ҳуқуқий режими, улар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тушунчаси тамойилларини белгилаш лозим. Кластер тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида бир нечта субъектлар (якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар) томонидан инновацион ишлаб чиқариш ва тегишли ҳудуддаги инфра-тузилмалардан фойдаланиб минтақани ривожлантириш мақсадини кўзлаб амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, қонунда кластер субъектларига бериладиган имтиёз ва переференциялар ва унинг муддатлари назарда тутилиши лозим. Кластернинг ўзига хос белгиси ҳудудийлик ва бир нечта субъектлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда намоён бўлади. Қайд этилган қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришга минтақанинг ресурс ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, биргаликда кўплаб моддий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий таъминлаш имкониятини яратади.

Ўн биринчидан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ғоятда муҳим элементи улар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир. Илмий ва амалий таҳлиллар натижаси кўрсатишича,

гарчи миллий ҳуқуқий тизимда соҳага ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг асослари яратилиб тегишли ташкилий ҳуқуқий чоралар кўрилаётган бўлсада, бироқ уларнинг самарадорлик даражасини қониқарли деб бўлмайди. Шу боис, соҳага оид юридик хизмат кўрсатиш бўйича қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш мониторингини ўтказиб аграр соҳадаги юридик хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнат фаолияти, имтиёзли кредитлар асосида уй-жой билан таъминлаш ва бошқа имтиёз ва енгилликларни кўзда тутувчи чоралар тизимига оид махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув соҳада юридик хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради ва қишлоқ хўжалиги ходимлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган стратегик дастурлардаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Қишлоқда ахборот-коммуникация технологияларга асосланган электрон юридик хизмат кўрсатишга қодир юридик кадрлар корпусини шакллантиришни тизимли ҳал қилиш, қишлоқ хўжалигида инновацион иқтисодиётни барпо этиш, соҳада товар ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ аҳолисининг фуқаролик муомаласида фаол иштирок қилишини ҳуқуқий таъминлашнинг ғоятда муҳим омилдир.

Ўн иккинчидан, қишлоқда товар ишлаб чиқариш нафақат давлат хусусий шериклик балки ижтимоий шериклик (давлат ва нодавлат ташкилотлари шериклиги)ни таъминлашга комплекс ёндашув зарур. Фуқаролик муомаласида давлат ва хусусий манфаатларнинг уйғунлашувига демократик бошқарув тизимининг етуклик кўрсаткичи

бўлмиш ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда давлат ҳокимияти органлари билан бир қаторда нодавлат ноижорат ташкилотларида юридик хизмат кўрсатишнинг роли ва таъсирчанлигини ошириш лозим. Халқимизда бир гап бор, "хизр қишлоқдан ўтади". Шу боис, қишлоқда ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш нафақат касбий билимларни балки одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида оммавий ва хусусий ҳуқуқ субъектларининг фуқаролар ва тадбиркорлар юридик билимларини оширишга қаратилган том маънода таъсирчан механизмларни ўз ичига олган ижтимоий шерикликни ҳаётда қарор топтиришга эришишни тақозо этади. Бошқача айтганда, қишлоқда юридик хизматни кўрсатишда ҳуқуқнинг тартибга солувчи функцияси билан бир қаторда

огоҳлантирувчи, ҳуқуқбузарликларни олдини олувчи, хавфсизликни таъминловчи, рағбатлантирувчи, ҳуқуқни менсимасликни олдини олувчи (ҳуқуқий негилизм), тинчлик ва барқарорликни сақловчи, қонунийлик ва ижтимоий адолатни қарор топтирувчи, фуқаролик муомаласида қатнашувчи тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи энг муҳими, унинг бунёдкор куч ва давлат жамият шахс ҳаёт фаолиятининг мустаҳкам ҳимояловчи вазифасини бажаришини асло унутмаслигимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг такомиллаштирилиши аграр соҳани модеренизациялаш ва жадал ривожлантириш борасидаги вазифа ва ислоҳотларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйҳати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: "Ўзбекистан" НМИУ, 2016. - 156.
2. Халқ сўзи 2017 - 8 декабрь.
3. Халқ сўзи 2017 - 23 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017, 6-сон. 70-модда.
5. Беляева Г.С. Правовой режим: Общетеоретические исследование: автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. Курск. 2013.
6. Мирошник С.В. Теория правового стимулирования: дисс. д-ра юрид. наук. Ростов-Дону. 2003.
7. Рузиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми / Масъул муҳаррир: Х.Раҳмонқулов 1997. Б. 9-10; Елисеев В.С. Государственное регулирование аграрных отношений. дисс... д-ра юрид. наук. Московская юридическая академия. - М.: 2011.
8. Андрионов Н.В. Модернизация правовых институтов: проблемы методологии // Государство и право. 2013. №6. 5 с; Белоусов А.А. О принципах динамичности правового понятия // Государство и право. 2013. №8. 5-14 с.
9. Бу ҳақда қаранг: Лаптев В.А. Источники регулирования предпринимательско-правовых отношений: тенденции и пути совершенствования // Государство и право. 2016. №6. 52 с; Губин Е.П. Правовые проблемы государственного регулирования рыночной экономики и предпринимательства: дисс... док ... юрид. наук. -М.: 2005. 32 с.
10. Бундай ёндашув ҳуқуқий нашрларда кенг муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақда қаранг: Океанова З.К. Экономические и правовые аспекты интеграционного развития // Российская юстиция. 2012. №12. 5 с.
11. Ҳуқуқий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шахаева А.М. О понятии конституционных гарантий свобода предпринимательской деятельности // Закон и право. 2017. №7 52 с.
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 203-модда; 27-сон, 608-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 28-сон, 638-модда
14. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й.
15. Халқ сўзи 2018-17 январ.
16. ҚҲММБ, 17.10.2017 й
17. ҚҲММБ, 21.10.2017 й.
18. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 10-сон, 146-модда; 33-сон, 857-модда.
19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 221-модда
20. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 346-модда
21. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 291-модда; 2017 й., 19-сон, 346-модда; 19-сон, 346-модда; 29-сон, 693-модда
22. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 306-модда
23. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 307-модда
24. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2016 йил 17 июндаги 298-сонли "Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори (2016 йил 23 декабрдаги 307-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан); Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги 142-сонли "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги қарори (2008 йил 30 октябрдаги 189-сонли; 2013 йил 5 декабрдаги 255-сонли; 2014 йил 28 ноябрдаги 271-сонли; 2015 йил 13 мартдаги 277-сонли, 2015 йил 19 июндаги 284-сонли; 2016 йил 17 июндаги 299-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан); Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2004 йил 12 мартдаги 115-сонли "Қишлоқ ҳўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда ҳўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида"ги қарори (Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги 255-сонли, 2014 йил 28 ноябрдаги 271-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан); Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли "Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини ҳўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида"ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги 163-сонли "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли "Мулк ижараси шартномаси тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори (2014 йил 28 ноябрдаги 271-сонли; 2016 йил 17 июндаги 299-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан); Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли "Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 25/309-сонли "Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 25/309-сонли "Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори; Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли "Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори ва ҳ.қ.
25. Халқ сўзи. 2017 йил 30 ноябрь.
26. Халқ сўзи. 2017 йил 29 ноябрь.
27. Халқ сўзи 2017 - 8 декабрь.
28. Силиванова К.А. Аграрное кластиризация как инструмент импортозамещения: экономика-правовой аспект // Юрист. 2016. №12. 35 с., Мохов А.А. Специальный правовой режим экономической деятельности в кластерах // Юрист 2016 №22. 10 с.

29. Портер М. Конкуренция -М.: Вильямс, 2005.
30. Ибраева О.В. Региональные инновационные кластеры как инструмент активизации и повышения эффективности инновационной деятельности // Вестник Академии 2013. №1. С. 44-46.
31. Батафсил қаранг. Федералный закон РФ №380-ФЗ "О хозяйственных партнёрствах" был принят 3 декабря 2011 года, которого выступил в силу 1 июля 2012 года; Федералный закон РФ 28 ноября 2011 года №335 ФЗ "Об инвестиционном товариществе".
32. Масалан, қаранг: Болотова Е.Л. Правовое обеспечение кооперация бизнеса и образования // Юрист ВУЗа 2012. №12. 15 с.
33. Батафсил қаранг: А.В.Наумкин Государственно частное партнерство в сельском хозяйстве: формы, модели, механизмы. Автореф.дисс... д.э.н. -М.: 2012; О.В.Лукашкина Особенности применения зарубежного опыта государственно-частного партнерства в отечественном сельском хозяйстве -М.: 2016 С.264-267 // <https://alibrary.ru/item.asp?id=25808432>; З.А.Иванова Развитие сельского хозяйства на основе механизма государственно-частного партнерства: автореф. дисс. к.ю.н. -М.2014; Маматов М.А. Организация инновационной деятельности в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Молодой ученый 2016 - №6.С. 353-359.
34. Иқтисодий адабиётларда аграр кластерни моҳияти кенг ёритилмоқда. Масалан, қаранг: Аничкина О.А. Принципы формирования кластеров малого и частного бизнеса в АПК // Материалы международного научной конференции "Проблемы современной экономики" Челябинск 2012. 39 с.; Хухрин А.С. Концепция развития аграрных кластеров в Российской Федерации / А.С. Хухрин, О.И. Бундина, А.А.Настин // Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве - 2011. №1 (6) - С.15-20. Эрнст С.А. Формирования агромышленного кластера как основы процесса интеграции производственных предприятий: Автореф. дисс... к.э.н. - М.: 2008.; Ткаченко В.Г., Богачев В.И. Кластеры в системы аграрного производства: сущность и значение в реализации инновационной политики государства // <https://cyberlenika.ru/article/n/clastery-v-sisteme-agrarnogo-proizvodstva>. Сердобинцев Д.В., Матвеева О.В., Сорокина Л.В., Мировой, Европейский и Российский опыт развития кластерной политики в агропромышленном комплексе// Фундаментальный исследования 2014. - №9. С. 1825-1830.
35. Рахматов М. Производственный кластер - современный подход в экономике. // Народное слово. 2017 - 14 марта.
36. Асқаров Қ. "Оқ сув"нинг ўзига хос "кластер"и кўплаб фермерлар учун тажриба мактаби бўлмоқда. // Qishloqhayoti. 2017 - 23 ноябрь
37. Нуриев А.Х. Место баланса частных и публичных интересов в развитии международного инвестиционного права // Международное публичное и частное право. 2013. №5. 14 с.
38. Груцина Л.Ю. Гражданское общество и частное право. // Международное публичное и частное право 2013. №8. 99 с.
39. Российская правовая политика в сфере частного право (Обзор круглого стола журналов Государство и право и правовая политика и правовая жизнь) // Государство и право 2012, №1 С. 112-120; Вавилин У.В., Чельшев М.Ю. О концепции гражданского-правовой политики // Гражданское право 2012, -№1. -14с.; Вавилин Е.В. Малько А.В. Гражданско-правовая политика в сфере предпринимательство // Правовая политика и правовая жизнь. 2009, №4. С10-16.
40. Бу ҳақда батафсил қаранг: Владимиров И.А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве: автореф. юисс. ... к.ю.н. Уфа. 2002.; Сафин З.Ф., Михайлов К. Правовые основы предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве // Учёные записки Казанского университета. Казан. 2013; Старадубсов В.Д. Правовое регулирование осуществления предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве: автореф. юисс. ... к.ю.н. Москва. 2012; Гуйкевич Ю.Д., Зиборова А.И. О правовом обеспечения развития предпринимательской деятельности в сельском местности. // <https://elib.gstu.bu.bitstreaw/handle/220612>.
41. Возможности федеральных инвестиций через ГЧП: Сборник нормативных актов ГЧП Российской Федерации. - М.: Алпина Бизнес Букс. 2009. 9 с;
42. Белицкая А. Перспективы развития законодательства о государственном частном партнерстве // Хозяйство и право. 2010. -№6 -110 с.
43. Игнатюк Н.А. Государственной частной партнерства в России // Право и экономика. 2006 №8 10 с.
44. Қаранг. Масалан, Попондопуло В.Ф. Концессионное соглашение - правовая форма государственного частного партнерства // Правоведение. 2007. -№6. -18 с.
45. Баготыров А.Г. Правовое регулирование инвестиционных отношений (вопросы теории и практики). М.: Экоинформ. 2012. 177 с.